



Ўзбек
филологиясида
матншунослик ва
манбашунослик
муаммолари



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ўзбек филологиясида матншунослик
ва манбашунослик муаммолари**

**III Республика илмий-амалий анжумани материаллари
Наманган, 2020 йил 12-13 июнь**

1-китоб

A handwritten signature in black ink, appearing to be 'S. M. A.', written in a cursive style.

Тошкент - 2020

Мазкур тўпلامда “Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари” мавзусида республика миқёсида ўтказилган III анъанавий илмий-назарий анжуман материаллари жамланган. Тўпلامдан республикамиз ва хориж олимларининг матншунослик ва манбашунослик муаммоларига бағишланган мақолалари, шунингдек, ёш тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг илк тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

Масъул муҳаррир:

Фаридахон КАРИМОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Муҳаррирлар:

Абдулҳамид Курбонов,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Дилфуза Тожибоева,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Озода Болтабоева,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Тақризчилар:

Носиржон УЛУҚОВ,
филология фанлари доктори, профессор
Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

НамДУ илмий-техник кенгаши йиғилишининг 2020 йил 10 июндаги
6- сонли қарорига мувофиқ нашр этишга тавсия қилинган.

Тўпلامдан ўрин олган мақолаларнинг илмий ва услубий жиҳатларига
муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

МАТНШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

*Шухрат Сирожиддинов, ТошДУТАУ ректори,
филология фанлари доктори, профессор*

Ўзбек халқининг кўпминг йиллик тарихи, бой илмий-маънавий мероси, адабиёт ва санъати ҳақидаги қимматли маълумотлар қўлёзма манбаларда акс этган. Маълумки, ўтган аср ўрғаларида халқимиз тарихига оид ёзма манбаларни излаб топиш, тўпиш, илмий муомалага олиб кириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд давлат кутубхоналарида тўпланган юзлаб қўлёзма манбалар Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил этилгач, унинг қўлёзмалар фондига бирлаштирилди. Узоқ йиллар давомида институт ходимлари томонидан олиб борилган археографик экспедициялар натижасида янгида ўзининг ҳажми ва салмоғи билан етакчи ўринга чиққан бебаҳо қўлёзмалар хазинаси яратилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг шарқ қўлёзмаларини ўрганиш, халқимиз мулки бўлган турли қўлёзма манбаларни топиш, тадқиқ қилиш ва нашр этиш ишларининг тескии жонланиши, айниқса, миллий уйғониш, миллий ифтихор ва гурур мафкураси асосида ўтмиш ижодкорларимиз асарларини ўрганиш матншунослик соҳасининг жиддий ривожланишига туртки берди. Юзлаб қўлёзма манбалар ҳозирги ўзбек имлосига транслитерация қилиниб чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти, мамлакатимиз кутубхоналари ва маърифатли фуқароларимизнинг қўлларида сақланаётган бебаҳо қўлёзма манбалар олимлар кўмагида нашр этилиб, халқимизга тақдим этилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида биз илгари номлари буткул номаълум бўлган кўплаб аждодларимизнинг ўзидан қолдириб кетган ёзма меросидан биҳраманд бўлдик. Айниқса, бадий асарлар матнини ўрганиш, чоп этиш ишларида сезиларли кўтарилиш бўлди. Илгари кам

21.	Каримова Ф.	Форс дебочанавислиги тарихига доир.....	129
22.	Сулаймонов М.	Матншуносликнинг долзарб муаммоларидан бири.....	136
23.	Содиқов З.	Ғайбулла Ас-салом – навоийшунос.....	140
24.	Hayitov Sh., Ahmadova M.	So'z ma'nolaridagi tafovutlar.....	146
25.	Sabitova T.	Jomiy va Navoiy.....	150
26.	Сафарбоев М., Раҳимов С.	Мухлис Намангонийнинг диний-ирфоний қарашлари.....	156
27.	Эшонова С.	Қўпнусахали қўлёзма девонлар тавсифи ва таснифи.....	161
28.	Қўлдашев Ш.	«Таворихи манзума» – таърих илмига оид муҳим манба.....	164
29.	Амонова З.	Насимий шеърларининг таржималари хусусида.....	168
30.	Safarova N., Ismatova M.	Alisher Navoiy "Farhod va Shirin" dostoni nashrlarining qiyosiy tahlili.....	171
31.	Маҳмудов Ж.	Аҳмад Табибийнинг наът мухаммаси хусусида.....	175
32.	Қурбонов А.	Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард.....	179
33.	Асадов М.	Лирик ифода ва жанр имкониятлари.....	186
34.	Ahdug'afurova D.	Anbar otin ayollar masalasida.....	193
35.	Жураева Х. Б., Орифова О.	Перелистая рукописе.....	200
36.	Сулаймонов М.	Матншунослик ва қўшиқчилик санъати.....	204
37.	Сулаймонов М.	“Қадди баланд э” кимнинг шеъри?.....	208
38.	Намгоева О.	Mumtoz qofiyaga oid manbalar tasnifi.....	213
39.	Амонов Ш.	Аҳмад Табибийнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” девони қўлёзмаси ҳақида айрим мулоҳазалар.....	220
40.	Холиқулова Г.	"Бобурнома" - муаллиф шахсиятини ўрганишдаги асосий манба сифатида.....	223
41.	Миркамилов Э.	Зу-л-лисонайн шоира мискин адабий мероси.....	228
42.	Дўстова С.	“Тазкираи шуаро”нинг №12561 инвентар рақамли қўлёзмаси.....	230
43.	Арслонов А.	“Темурнома”ларнинг қўлёзма ва тошбосма манбалари хусусида.....	233
44.	Тўхтамуротов Ф.	Мухсиний назмий меросининг манбалари.....	239
45.	Umarova S., Alimjanova X.	Adabiyotshunos Suyuma G'aniyevaning tadqiqot usuli va mezonlari.....	243

46.	Раҳмонова Г., Ёқубова С.	Навоийнинг санъаткорлик маҳорати талқиқи.....	246
47.	Турақулова З.	"Хумокуннома" - тарихий- адабий манба сифитида.....	250
48.	Даминова Р.	Туркона услубнинг шаклланишида Аҳмад Яссавий ижодининг ўрни.....	252
49.	Ҳалимов С.	Темурий шаҳзода ва ижодкор Шоҳғариб Мирзо(Ғарибий) ва Алишер Навоийнинг ижодий ҳамкорлиги.....	257
50.	Jo'raboyeva S.	Shavqiy Namangoniy va uning adabiy merosining o'rganilishi xususida.....	261
51.	Soliyeva O.	"Husn-u dil" dostoni bir qo'lyozma manbasining tavsifi.....	265
52.	Ҳамидов М.	Ўзбек халқ китобларида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима.....	268
53.	Мадиримова С.	Мутрибнинг лирик асарларида учрамайдиган газаллари.....	274
54.	Shomurodova S.	XX asr o'zbek devonchiligida Muhammadrasul Nojiy devonining o'rni.....	281
55.	Жўраев К.	Носирхожа Валади Мансурхожанинг "Лайли ва Мажнун" дostonи.....	285
56.	Kurbonov A.	Navoiyni Turkiyada o'rganilishi masalasi.....	287
57.	Umarov S.	Navoiy va futuvvat.....	291
58.	Matkarimova S.	"Rustamxon" dostonining qiyosiy tahlili.....	296
59.	Умарова З., Қаюмова С.	Муқимий ижодидида мумтоз анъаналар.....	298
60.	Bekmurodova D.	"Devoni hikmat" litografiyalarining matniy tadqiqi.....	302
61.	Rajabova M., Axrorova Z.	Fariddin Attorning "Tazkirat-ul avliyo" asarida tavba maqomi.....	308
62.	Nutfullayeva M.	Bobur lirikasida tasavvufiy talqinlar.....	311
63.	Turdal'yeva G.	Navoiy ijodida Jomiy talqini.....	315
64.	Hakimova S.	Atoyi g'azallarida yor tavsifi.....	318
65.	Soylbnazarova Z.	Alisher Navoiy asarlarida do'stlik talqini.....	320
66.	Boltayeva G. A.	Tasavvufning buyuk allomalari.....	322
67.	Mamaziyoyeva O.	"Saddi Iskandariy" dostonida badiiy tasvir vositalarining qo'llanilishi.....	326
68.	Ravshanbekova O.	Xalq dostonlarida mubolag'a san'atining o'rni	330
69.	Boqiyeva Sh.	Alisher Navoiyning to'g'rilik haqidagi qarashlari	333

Уни эъзозлашга чақиради. Бобораҳим Машраб бетакрор ҳаёт йўли ни дурдона асарлари билан халқимиз қалбидан жой олган ўлмас сиймодир.

МУТРИБНИНГ ЛИРИК ТЎПЛАМЛАРИДА УЧРАМАЙДИГАН ҒАЗАЛЛАРИ

*Сохиба Мадиримова,
ТошДУТАУ (PhD) таянч докторанти*

XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда ўзига хос адабий муҳит юзага келиб, илм-фан, адабиёт, санъат ривожланди. Бундай адабий муҳитни юзага келтирган Муҳаммад Раҳимхон Феруз ўз саройига барча илм аҳлини жалб қилади. Шунингдек Табибий, Баёний, Аваз Ўтар, Чокар, Мутриб каби зуллисонайн шоирлар ва ижодкорлар етишиб чиқади. Уларнинг бизгача етиб келган асарлари ана шу адабий муҳит ҳақида муайян тасаввур беради.

Шундай ижодкорлардан бири Муҳаммад Ҳасан девон Хожи Табиб ўгли Мутрибнинг бизга қолдирган адабий мероси мумтоз адабиётимизнинг ўзига хос ўрнини белгилашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда унинг асарлари ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Хива Ичон қалъа музейи ҳамда Алишер Навоий Давлат адабиёт музейларида сақланади. Ҳозирги кунда ЎзР ФА ШИДа шоирнинг 2679, 903, 906-инвентарь рақамлар остида учта қўлёзма девон нусхалари сақланмоқда. Шоирнинг бу каби лирик девон нусхаларига киритилмаган шеърлари баёз, мажмуа, тазкираларида ҳам бор. Қуйида унинг 6951-инвентарь рақамли қўлёзма баёзга кўчирилган асарлари ҳақида тўхталамиз.

6951-инвентарь рақамли баёзга Нозир, Мутриб, Пуркомил, Аваз, Асад, Юсуф, Чокар, Содик, Иноят, Камолий, Девоний, Роғиб, Хокий, Ғозий, Музниб, Ходим, Надимий, Баёний, Мирзо, Ниёзий, Оқил каби 21 та шоирларнинг шеърлари кўчирилган.

Қўлёзма баёзни Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон фармонига биноан хижрий 1328/1910 йилда Муҳаммад Комил девони Исмоил девон Хоразмий лақабли котиб томонидан кўчирилган. Қўлёзма баёзнинг колофонида бу ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўламиз: *Зилли ас-субҳона холийфата ар-раҳмони аъни Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон дори давлата*

ва шавкатанинг фармони олийлари бирлан соний ушбу баёзни фақир ал-ҳақир Муҳаммад Комил девон мулаққаби ба Девоний ибн домло Исмоил девон Хоразмий ёзиб, сафар ойинда итмомга еткурди. Сана 1328.

Баёзга шоирнинг 35 та ғазал киритилган, шундан 15 таси форс-тожик, қолган 20 таси туркий тилдаги ғазаллардир. Шундан 7 байтли 16 та туркий ғазаллари шоир қўлёзма девон нусхаларида учрамайди. Қуйида шу ғазалларнинг биринчи байтини келтирдик:

غزل خانه خراب مطرب ۰۸

Юзингга мург кўнглум зор ўлубдур,
Фироқ ичра дилим афғор ўлубдур [616, 62а-бетлар].

Баҳри: ҳазажи мусаддаси маҳзуф **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, фаъувлун. **Тақтеъси:** V---/V---/V--.

غزل مطرب ۱۰۰

Шамъи ҳуснингга нигоро, рўзи шаб парвонаман,
Қил тараҳҳум оташи ишқингга доим ёнаман [73 а/б -
бетлар].

Баҳри: рамали мусаммани маҳзуф. **Рукни:** фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. **Тақтеъси:** - V-- /-V--/ -V--/-V-.

غزل مطرب ۱۲۵

Жунуни ишқ аро девонадурман,
Хираддин рўзи шаб бегонадурман [876, 88а - бетлар].

Баҳри: ҳазажи мусаддаси маҳзуф. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, фаъувлун. **Тақтеъси:** V---/V---/V--.

غزل مطرب ۱۲۹

Дам-бадам чеккан гамингдин оҳ-у афғоним недур,
Кўзларимдин ерга томгон қирмизи қоним недур [90а/б -
бетлар].

Баҳри: рамали мусаммани маҳзуф. **Рукни:** фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. **Тақтеъси:** - V-- /-V--/ -V--/-V-.

غزل مطرب ۱۳۰

Фалакка чирмашур фарёд-у афғоним фироқингдин,
Қутилмас ҳузни гамдин бир нафас жоним фироқингдин
[90б, 91а - бетлар].

Баҳри: ҳазажи мусаммани солим. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун. **Тақтеъси:** V--- /V---/V--- /V---.

غزل مطرب ۱۳۲

*Гул юзингга булбулосо, рӯзи шаб, зор ўлмишам,
Ишқ аро Мажнун киби куйингда бемор ўлмишам [916 92 а -
бетлар].*

Баҳри: рамали мусаммани маҳзуф. **Рукни:** фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. **Тақтеъси:** - V-- /-V--/ -V--/-V--.

غزل مطرب ۱۳۵

*Дамодам фош этиб, меҳру вафо, эй меҳрибоним, кел,
Жафо таркин қилурга лутф этиб мақбули жоним кел
[936, 94а -бетлар].*

Баҳри: ҳазажи мусаммани солим. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун. **Тақтеъси:** V--- /V---/V--- /V---.

غزل مطرب ۱۳۷

*Дарди ишқингдин кўзимни мардумин қон айладим,
Мурги кўнглимни юзинг шавқида нолон айладим [946, 95а -
бетлар].*

Баҳри: рамали мусаммани маҳзуф. **Рукни:** фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. **Тақтеъси:** - V-- /-V--/ -V--/-V--.

غزل مطرب ۱۳۸

*Мани бир нозанин рухсори тобонига зор этди,
Қадаҳ сайёд бирла булбул кўнглум шикор этди [95а/б -
бетлар].*

Баҳри: ҳазажи мусаммани солим. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун. **Тақтеъси:** V--- /V---/V--- /V---.

غزل مطرب ۱۳۹

*Биҳамдиллаҳ, бу тун сарви хиромонимни кўрдумман,
Етушти тоза жон муъжиз намоёнимни кўрдумман [95б,
96а - бетлар].*

Баҳри: ҳазажи мусаммани солим. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун. **Тақтеъси:** V--- /V---/V--- /V---.

غزل مطرب خانه خراب ۱۴۵

*Не, деб ёнимдин, эй жонон, кетарсан,
Кўзим ашқини айлаб қон кетарсан [1136, 114а -бетлар].*

Баҳри: ҳазажи мусаддаси маҳзуф. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, фаъувлун. **Тақтеъси:** V---/V---/V---.

غزل مطرب ۱۴۸

*Кўзим тушгач жамолига мани ким зор этиб кетди,
Фигонким, ишқ аро Мажнун киби бемор этиб кетди [114б,
115а -бетлар].*

Баҳри: ҳазажи мусаммани солим. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун. **Тақтеъси:** V--- /V---/V--- /V---.

غزل مطرب ۲۰۷

*Эй санам, рафъи ниқоб улки, жамолинг кўрайин,
Ҳар дам айларга сужуд ики ҳилолинг кўрайин [132а/б -бетлар].*

Баҳри: рамали мусаммани маҳзуф. **Рукни:** фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. **Тақтеъси:** - V-- /-V--/ -V--/-V--.

غزل مطرب ۲۰۷

*Юзинг гулзорин истаб оҳи афгонман саҳарларда,
Бамодам оташи ишқингга сўзонман саҳарларда [133а/б -
бетлар].*

Баҳри: ҳазажи мусаммани солим. **Рукни:** мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун, мафъийлун. **Тақтеъси:** V--- /V---/V--- /V---.

غزل مطرب ۲۰۷

*Хаста жонимга лабингдин хайр-у эҳсон айлагил,
Раҳм этиб бир лаҳза лутфингни фаровон айлагил [148а/б-
бетлар].*

Баҳри: рамали мусаммани маҳзуф. **Рукни:** фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. **Тақтеъси:** - V-- /-V--/ -V--/-V--.

غزل مطرب ۲۳۷

*Мани мажнунлигим хуршеди рухсоримга ойтинглар,
Уларга етганимни ишқ аро ёр'имга ойтинглар* [1486, 189н
бетлар].

Шоир ғазалларини кўчириш жараёнида котиб томонидан бир қанча сакталикларга йўл қўйилган. Бу ҳол ғазал вазнига, мазмунига таъсир қилгани ҳамда ўқувчини чалғитувчи (Роғиб шеърини Мутриб сарлавҳаси остида берилиши) ўринлар ҳам борлиги аниқланди.

Масалан, ¹ *غزل مطرب* ² сарлавҳаси остида “*Эй сабо, ҳолимни қил, ойни изҳор олдида...*” мисралари билан бошланувчи ғазал кўчирилган. Аммо ғазал мактаъ қисмидаги мисрлар Роғибники эканлигини исботлайди:

*Гулишани васлига етсанг зор йиглаб айларким,
Йўқ тили арз айласа бу Роғибни зор олдида.*

Вазнга таъсир этган жиҳатлар:

- Мутрибнинг “Недур” радифли ғазалининг саккизинчи мисрасида келувчи “пинҳоним” сўзидаги “им” кўшимчаси тушириб кўчирилган. Бу ҳол ғазалнинг бошқа мисраларида келувчи афғоним, қоним, ғирибоним, ҳижроним каби қофиядош сўзларга мос тушмайди.

*Кеча-кундуз офати ҳижронинга шукр айлабон,
Нотавон кўнглумдаги андуҳи пинҳон недур.*

Нотавон кўнглумдаги андуҳи пинҳоним недур.

- шоирнинг “этди” радифли ғазал матнида ҳам хатолар учрайди. Бу ғазалнинг биринчи мисрасидаги “ҳар нозанин” бирикмасидаги “ҳар” сўзининг қўлланилиши мазмунга мутаносиб эмас. Бунинг ўрнида “бир” сўзи мантиқан тўғри келишини таъкидлаш керак. Ўша мисранинг қофияси эса “раво” бўлиб кўчирилган. Бироқ “раво” сўзи ғазалнинг бошқа мисраларида келувчи шикор, хумор, безътибор, парвонавор, беқарор, девонавор сўзларига қофиядош бўла олмаслигини, бу эса котиб томонидан жиддий сакталикка йўл қўйилганлигини таъкидлаш керак. Ушбу байт қуйидагича:

¹ “ре” харфи тушиб қолган.

² Ўша баёз, 77^н6 -бетлар.

Мани ҳар нозанин рухсори тобониға раво этди.

Мани бир нозанин рухсори тобониға зор этди,
Қадаҳ сайёд бирла булбул кўнглум шикор этди.

Ачинарли жиҳати шуки, шу ғазалнинг мақтаъ қисми кўчирилмай қолган. Умуман, котиб ушбу ғазалда тузатиб бўлмас учта йирик хатоларга йўл қўйган. Котибнинг матнга нисбатан безътибор бўлганлиги ғазал матнидаги бир қанча сакталикларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

- “Айлагил” радифли ғазалнинг биринчи мисрасидаги “ёримга ойтинглар” бирикмасидаги “ёрим” сўзининг “ре” ҳарфи тушириб кўчирилган. Буни қуйидаги байтда кўриш мумкин,

Мани мажнунлигим хуришиди рухсоримга ойтинглар,
Ўларга етганимни ишқ аро ёимга ойтинглар.

Ўларга етганимни ишқ аро ёримга ойтинглар.

Шу ғазалнинг ўн иккинчи мисрасида ҳам қуйидагича сакталик кузатилди:

Жону кўнглимдин бори гамларни барбод этгали,
Илтифотингдин мани бир лаҳза дилшод айлагил.

Илтифотингдин мани бир лаҳза хайрон айлагил.

Тўғри, “дилшод” сўзи ғазал мазмунини тўлдиришга хизмат қилган. Аммо ғазалнинг бошқа байтларида келувчи “фаровон”, “эхсон”, “намоён” сўзларига “дилшод” сўзи қофиядош бўла олмайди.

- “Айтинглар” радифли ғазалнинг олтинчи байтида “рафтонимга айтинглар” бирикмаси учрайди. Ушбу “рафтон” сўзи аслида “рафтор” бўлиши керак эди. Биринчидан “рафтон” сўзининг ўзи йўқ. Иккинчидан ғазалнинг мисраларида учрайдиган рухсор, ёр, гуфтор, вафодор, дилдор, нигунсор, хунхор сўзларига “рафтон” сўзи қофиядош эмас. “Ре” ҳарфи ўрнига “нун” ҳарфининг кўчирилиши эвазига бу каби хатолар юзага келган. Ушбу байт қуйидагича:

Ниғаҳ айлаб кўзимни тийрасини равшан айларга,
Кўёшосо, юзи озода рафтонимга ойтинглар.

Кўёшосо, юзи озода рафторимга ойтинглар.

“Рафтор” сўзи форс тилидан олинган бўлиб “юриш” деган маънони билдиради[3. 523]. Кўринганидек бу сўз газал мазмунига мутаносиб.

- “Кўрдимман” радифли газалнинг олтинчи байтида ҳам жиддий хатога йўл қўйилган. “Чаман ичра безорман, эй кўнгил, бу сунбули тарни” мисрасидаги “безорман” сўзи аслиятда “бир зорман” бўлган. Котиб эса бу сўзни асл нусхадан хато кўчирган. Чунки, муаллиф газал мазмунига тушмайдиган бундай сўзни қўлламайди. Газал байти қуйидагича:

*Чаман ичра бир зорман, эй кўнгил, бу сунбули тарни,
Ики зулфи сумансо, зулфи бежонимни кўрдумман.*

Юқоридаги бир қанча газал мисрасидаги сакталиклар котиб томонидан таҳрир этилиб, ўзгартирилади. Ҳолбуки, матншунос Нурбой Жабборов фикрича: “Матннинг муаллиф иштирокисиз амалга оширилган ҳар қандай таҳрири асар моҳиятига зарар етказиши жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмас”[28-32].

Матндаги бундай сакталикларни бартараф этишда ЎзР ФА ШИ, Хива музейи, Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган қўлёзма баёз ҳамда тошбосма баёзлар кўздан кечирилди. Бироқ шоир асарларининг қайта кўчирилган манбалари бўлмагани сабабли қийинчиликларга дуч келинди. Бундай ҳолда матншуносдан алоҳида зийраклик талаб этилади. Профессор Ш.Сирожиддинов фикрича: “... агар бундай имконият бўлмаса, матншунос ички мантиқи билан шеър қофияси, радифи асосидаги сўз вариантини танлаб олиши зарурати яққол сезилади” [1. 68].

Баёз қаттиқ тўқ яшил қартонли ўйма нақшли муқова билан муқоваланган. Таркибига кирган шеърлар фабрика қоғозига кўчирилган. Баёзнинг баёзи саҳифаларига “Ржевской фабрики №6”, - деган муҳр босилган. Шеърлар қора ва қизил сиёҳларда настаълик хатида ёзилган бўлиб, икки катор қия ҳолатда кўчирилган. Ҳар бир бетда 12 сатрда шеърлар ёзилган. Барча шоирларнинг шеърлари рақамланган ва сарлавҳаланган. Ўлчови 17,5x11. Баёз 300-бетдан иборат. Манбанинг бошида ва охирида 3 варақ бўш қолдирилган. Ушбу баёз яхши сақланган.

Бугунги кунда Мутрибнинг бой адабий меросини ўрганиш, тадқиқот доирасида ривожлантириш, унинг асарларини жорий нашрларда эълон қилиш зарурати сезилмоқда. Шундай экан котиб

томонидан йўл қўйилган камчиликлар муаллиф асарларининг моҳиятини тўғри англашга тўсиқ бўлишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Котиб томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, ўқувчига матнни тўлиқ ҳолда етказиш эса биз матншунослар олдида турган муҳим вазифадир.

Адабиётлар:

1. Sirojiddinov Sh. Matnshunoslik saboqlari. – Т.: “Navoiy universiteti” nashriyot-matbaa uyi, 2019. – Б. 68.
2. Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. //Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари (Илмий мақолалар гўплами). – Т.: Mumtoz so‘z, 2014. – Б. 28-32.
3. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати.. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 523.
4. Муртиб Хонахароб. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. №6951. Вв. 1-300.

XX ASR O‘ZBEK DEVONCHILIGIDA MUHAMMADRASUL NOJIY DEVONINING O‘RNI

*Sitora Shomurodova,
SamDU tayanch doktranti*

Ijtimoiy-siyosiy jarayon har qaysi zamonda adabiyotga o‘z ta’sirini o‘tkazib kelgan. XIX asr oxiri hamda XX asr davomida mumtoz adabiyotimiz bir yoqlama o‘rganilishi bilan birga, mumtoz an‘analarga ergashish ham nihoyatda kamayib ketdi. Natijada aruz vazmi, shu bilan birga g‘azal janri o‘z-o‘zidan chetga chiqqan boshladi. O‘tgan asrning 30-yillariga kelib esa, sho‘ro mafkurasining xuruji tufayli aruz vazni “saroy adabiyotining vazni”, “qoloq, zamon talablariga javob bermaydigan vazn” sifatida baholanib, adabiyot nazariyasidan supurilib tashlashga mahkum qilindi.

Kattaqo‘rg‘on adabiy muhitining vakill bo‘lgan Muhammadrasul Nojiy 1895-yilda Kattaqo‘rg‘onda tavallud topgan. Oilasida ilma-rifatga chuqur e’tibor berilganligi sababli madrasa ta’limini olib, diniy va dunyoviy bilimlarni o‘zlashtirgan. Qatag‘on siyosatidan ham nasibasini olgan shoir uzoq yillar surgunda bo‘lgan. Shu bois ham Nojiy taxallusini tanlagan. Bu haqda professor Dilorom Salohiy shunday fikrlarni keltiradi: “Qori Muhammadrasul qatag‘on davrida yaratgan she’rlariga Nojiy (najot istovchi) taxallusini qo‘yadi... ..E’tiboringizga havola etilayotgan she’riy to‘plam shoir Nojiyning o‘zi tomonidan jamlangan. ...Mujalladni shoir “Devon” deb nomlamagan. Bunga